

ШАРТНОМА № 23

14 апрел 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Бағдод тумани хокимлиги (келгуси матнларда «Харидор» деб юритилади) низомга асосан фаолият юритувчи номидан раҳбари Ю.Хусайнов бир томондан, «PROBUILD FRIENDS» хусусий корхонаси (келгуси матнларда «Сотувчи» деб юритилади) номидан раҳбари И.Холдаров иккинчи томондан куйидаги мазмунда ушбу шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул килиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

Т/р	Товарларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Машины швейные бытовые	Шт	59	5371000	316 889 000
	Ж а м и:				316 889 000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 316 889 000 Ўч юз ўн олти миллион саккиз юз саксон тўққиз минг сўм

(рақамлар, ёзувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан 30 фоиз, махсулот етказиб берилганидан сўнг 70 % микдоридан пул ўтказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган ҳолда қушимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга киргандан сўнг товарни 20 кун муддат ичида «Харидор»га етказиб бериш шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

6.2. «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Етказиб берувчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Махсулотлар бозор ва интернетдаги нархларга асосланган ҳолда етказиб берилади. Ўтказилган тафтиш натижасида назорат қилувчи органлар томонидан нархлар юқори деб топилса фарқ сумма сотувчи томонидан қопланади.
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;
- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.
- 8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблаг иблаг булган холда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган хар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 8.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбдор тараф 5 % микдорида жарима тулайди.
- 8.4. «Харидор» олинган товар учун туловни уз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % микдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик булмаслиги лозим.
- 8.5. Келгусида текширув органлари томонидан махсулот нархи киммат деб топилган такдирда уртадаги фарк етказиб берувчи «Сотувчи» томонидан копланеди.
- 8.6. Шартнома Газначилик булими томонидан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга эга.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 9.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкени, ёнгин, ер кимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка хар кандай холатлар тегишлидир.
- 9.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тутрисида албатта иккинчи тарафни 1,5 кун ичида огохлантириши шарт.
- 9.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиш мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

- 10.1 Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор килишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунлар тартибда хал килинади.
- 10.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига ҳамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.
- 10.3. Ушбу шартнома 14 апрел 2022 йилдан 31.12.2022 йил гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик булинмасида руйхатдан утказилганидан сунг конуний кучга киради.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Х А Р И Д О Р»

«С О Т У В Ч И»


Бағдод тумани Ҳокимлиги

Манзил: Бағдод шаҳарчаси Мустақиллик к
Х/Р: 23402000300100001010
Банк: Марказий банк Тошкент ШББ
МФО: 00014
ИНН: 2001189001
ШХР: 30512860302097109602018001
ОКОНУ: 9330

Рахбар:  Ю.Хусаинов

«PROBUILD FRIENDS» хусусий корхонаси

Бағдод тумани Қўғоли кишлоғи Олмазор кўча 25 уй
Телефон: +99891-144-42-31
Х/р: 20 20 8000 005 477 591 001
МФО 01087
Капитал банк Кукон филиали
ИНН 300175151

Рахбар:  И.Холдаров

Хуқуқшунос

